

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 14 345,2 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос давриганаибатан 105,3 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот 2018 йил январь-сентябрь ҳолатига, фоиз таққослама нарҳда

	млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	11 409,4	14 345,2	105,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10 663,9	13 418,4	105,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	745,5	926,8	106,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10 663,9	13 418,4	105,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 225,2	2 872,8	104,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3 340,9	4 508,1	106,9
саноат	2 673,5	3 607,1	106,6
қурилиш	667,4	901,0	108,3
Хизматлар	5 097,8	6 037,5	104,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 187,4	1 461,5	104,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1 090,2	1 185,4	106,0
бошқа хизматлари	2 820,2	3 390,6	103,7

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 104,5 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 21,4 фоиз), саноат – 106,6 фоиз (26,9 фоиз), қурилиш – 108,3 фоиз (6,7 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,7 фоиз (10,9 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 106,0 фоиз (8,8 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,7 фоиз (25,3 фоиз) ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь–сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар